



## Ислom Нури

Аллоҳ таоло Ар-рахмон сурасининг 46-оятида айтади:

**«Парвардигори (ҳузурида қиёмат куни) туришидан қўрққан (ва Унинг буруқларига бўйсиниб, қайтариқларидан тийилган) киши учун икки жаннат бордир.»**

Ван-нозиот сураси 40,41-оятларида айтади:

**«Энди ким Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур.»**

Аллоҳ таоло Ар-рахмон сурасининг 46-оятларида айтади: «Парвардигори (ҳузурида қиёмат куни) туришидан қўрққан (ва Унинг буруқларига бўйсиниб, қайтариқларидан тийилган) киши учун икки жаннат бордир.» Аллоҳ таоло Ван-нозиот сураси 40,41-оятларида айтади: «Энди ким Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур.»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Етти тоифа одам борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда уларни Ўз соясида соялантиради: адолатли имом-рахбар; парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл

